

## СУФУРТА КОМПАНИЯЛАРИДА АКТИВЛАР ТАРКИБИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Қаршиев Отабек Абдуллаевич

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бош мутахассиси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Молия” кафедраси мустақил тадқиқотчisi, Тошкент, Ўзбекистон.  
[o.qarshiyev@tdi.uz](mailto:o.qarshiyev@tdi.uz)

### Аннотация

Суғурта компанияларида капитални оптимал таркиби, активлар, молиявий натижалар самарадорлиги қўрсаткичлари, пул маблағлари ва молиявий оқимларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Иқтисодиёт соҳаларини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида суғурта компанияларида молиявий менежмент тизимининг мақсад ва вазифалари амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** Суғурта, капитал, активлар, пул маблағлари, тўловга лаёқатлилик, молиявий оқимлар.

### Аннотация

Изучены оптимальный состав капитала в страховых организациях, активы, показатели эффективности финансового результата, особенности движения денежных средств и финансовых потоков. В условиях модернизации и диверсификации отраслей экономики достигнуты цели и задачи системы управления финансами в страховых компаниях.

**Ключевые слова:** страхование, капитал, активы, денежные средства, платежеспособность, финансовые потоки.

### Abstract

The optimal composition of capital in insurance companies, assets, performance indicators of financial results, specific features of cash and financial flows are studied. In the context of modernization and diversification of sectors of the economy, the goals, and objectives of the financial management system in insurance companies have been achieved.

**Keywords:** Insurance, capital, assets, cash, solvency, financial flows.

### Кириш

Молиявий менежментнинг турли соҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш орқали суғурта компанияларида бозор қийматини максималлаштириш асосий мақсад ҳисобланса, унинг ҳар бир соҳаси ёки уни бошқариш элементлари молиявий менежментнинг актуал хусусиятларига боғлиқ бўлади. Мамалакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412 сонли қарорига[1]

мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш масалаларида молиявий менежментнинг самарали ташкил этиш суғурта бизнесининг барқарорлик кафолати бўлиб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган омиллар суғурта компаниялари фаолиятини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Россиялик иқтисодчилар А. В. Панюков ва И. А. Тетинлар қўйидаги фикрни билдиришади, “Инвесторлар учун бу инвестиция қилинган капиталининг йўқолишини, мижозлар учун эса суғурта жозибадорлигининг пасайишини англатиши мумкин[2]. Суғурта компаниясининг тўловга лаёқатсизлиги суғурта муносабатларининг барча иштирокчилари учун салбий молиявий оқибатларга олиб келиши мумкин. Суғурта компаниясининг тўловга лаёқатсизлик рискининг манфаатдор томонлар учун таъсирини баҳолашган.

1958 йилда Ф.Модилияни ва М.Миллер[3] (*The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment*) номли ўз асарларини чоп этди. Ушбу асарда корхона қиймати унинг келажақдаги даромадлари билан белгиланади ва шу сабабли корхона қиймати ва келгусидаги даромадлари унинг капитали таркиби боғлиқ эмас, деган хulosага келишди. Ушбу қоидани қўйидагича исботлашади. Яъни, агар компаниянинг фаолиятини молиялаштириш ўз маблағлари манбалари ҳисобига эмас, балки қарз маблағлари ҳисобига фойдалироқ бўлса, унда аралаш капитал тузилишига эга бўлган компания акцияларининг эгалари ўзларининг компаниялари акцияларининг бир қисмини сотишни афзал кўришади ва олинган маблағлардан қарз манбаларидан фойдаланмайдиган компаниянинг акцияларини сотиб олишда фойдаланадилар. Қарз маблағлари ҳисобидан молиявий ресурслар Ф.Модилияни ва М.Миллер назариясига кўра, компания акцияларининг қиймати унинг қарзга олинган ва ўз капитали ўртасидаги нисбат билан боғлиқ эмас деб ҳисоблашади.

1963 йилга келиб улар (*Taxes and the Cost of Capital*) капитал тузилиши бўйича иккинчи асарларини нашр этдилар, унда улар солиқ каби омилни моделга киритдилар ва шу тариқа нол солиққа тортишни илгари сўрдилар. Солиқлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда компания акцияларининг нархи қарз маблағларини жалб қилиш билан бевосита боғлиқлигини исботладилар. Қарз маблағларининг улуши қанчалик кўп бўлса, акциялар нархи шунча юқори бўлади. Ф.Модилияни ва М.Миллернинг янги назариясига кўра, компанияларга қарз маблағларидан 100% молиялаштириш тавсия этилади, чунки бу уларга энг юқори бўлган қийматни таъминлайди. Ушбу хulosса АҚШдаги корпорацияларнинг солиқ тузилмаси билан боғлиқ бўлиб, унда акциядорларга даромад солиқ тўловларидан кейин қолган фойдадан тўланиши керак. Кредиторларга тўлов солиқ тўлангунгача бўлган фойдадан амалга оширилади. Ассиметрик солиққа тортиш шуни кўрсатадики, қарз капитали (мажбуриятлар) улушининг ортиши билан компаниянинг даромадлари инвесторларнинг ихтиёрида қолади.

1990 йилда иқтисод бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган Г. Марковиц[4] “Портфель назарияси” асосчиси ҳисобланади. Ушбу назарияга кўра, рискли

активларни портфелга бирлаштириш орқали умумий ризк даражасини камайтириш мүмкин. Назария қўйидаги бўлимлардан иборат:

- молиявий инвестиция воситаларининг сифатини баҳолаш;
- индивидуал молиявий инвестицион воситалар портфелига киритиш тўғрисида инвестицион қарорларни шакллантириш;
- даромадлиликнинг маълум даражаси учун юзага келиши мүмкин бўлган ризкни камайтиришга йўналтирилган портфелни оптималлаштириш;
- шакллантирилган инвестиция портфелининг рентабеллик ва таваккалчилик нисбати бўйича умумий баҳоси.

Нобель мукофоти лауреати В. Шарп томонидан ишлаб чиқилган “Молиявий активларнинг даромадлигини баҳолаш модели”[5] капитал бозори ғояси ва бошқа баъзи тахминларга асосланади. Ушбу моделга кўра, талабга жавоб берадиган активлардан олинадиган фойда рисксиз қайтариш функцияси, қимматли қоғозлар бозорида ўртача даромад ва маълум молиявий активнинг бозорда ўртача даромадга нисбатан тебраниш индекси ҳисобланиб, унда ризк даражаси ва талаб қилинадиган фойда ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилган.

Арбитраж нархлари назарияси (АНН) 1976 йилда Йел университети профессори Стивен Росс[6] томонидан таклиф қилинган. Ушбу назариянинг асосий тахминларидан бири ҳар бир инвестор ўз портфелининг рискини оширмасдан даромадлигини ошириш имкониятидан фойдаланишга интилишидир. Назарияда ҳар қандай акцияларнинг ҳақиқий рентабеллиги икки қисмдан иборат: нормал (кутилган) ва рискли (ноаниқ) рентабеллик.

Ф. Блек ва М. Скоулз[7] вариантлар учун нарх моделини таклиф этадиган мақолани нашр этдилар. Корпоратив молиявий амалиётда бу назария кафолатлар ва алмаштириладиган қимматли қоғозлар каби молиявий воситаларнинг хусусиятларини тушунишига ёрдам беради. Бундан ташқари, молиявий менежмент соҳасида қабул қилинган баъзи қарорларни имкониятлар назарияси доирасида аниқроқ таҳлил қилиш ва тушуниш мүмкин.

### **Тадқиқот методологияси**

Илмий мақолани ёзишда илмий тадқиқотни амалга оширишнинг индукция ва дедукция ҳамда эксперт баҳолаш усусларидан, молиявий таҳлилнинг гуруҳлаш, қиёсий, таркибий ва трендли таҳлил усусларидан фойдаланилди. Муаммони тўлиқ ўрганиш жараёнида «Uzinsurace» акциядорлик жамиятининг молиявий фаолиятига боғлиқ материалларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини таъминлаш муаммосига ҳар бир мамлакат миллий молия тизимини макрорегулятори сифатида давлат назорат органлари алоҳида эътибор беради. Турли мамлакатларда суғурта компаниялари молиявий ресурсларининг бундай ҳолатини таъминлаш учун ишлаб чиқилган қонунчилик нормалари мавжуд бўлиб, у ўз мижозлари олдидаги жорий ва келажақдаги молиявий мажбуриятларини ўз ва жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобидан ўз вақтида ва белгиланган миқдорда бажаришга қодир.

Суғурта бизнеси билан шуғулланувчи компаниялар улар суғурта фаолиятининг хусусиятига кўра, ҳар доим мажбуриятларнинг тасодифий оқими билан шуғулланадилар. Ҳолбуки, суғурталовчи одатда суғурта қилдирувчи мижозларнинг

эҳтимолли сони ва улар суғурта хизматлари бўйича тўловларининг ҳажми бўйича истиқболдаги маълумотларга эга бўлмайди.

Ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари билан шуғулланадиган суғурта компанияларининг мажбуриятлари, айниқса, ноаниқликка мойил. Бундай суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини тўғри баҳолаш учун тасодифий ўзгарувчиларнинг мүмкин бўлган реализациясини ва уларнинг ўзаро таъсирини симуляция қилиш тизимига эҳтиёж мавжуд бўлади.

Тараққий этган мамлакатлар суғурта тизиминининг замонавий модели амалиётида ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта турлари билан шуғулланадиган суғурта компаниялари фаолиятида "Динамик молиявий таҳлил"- деб номланган иқтисодий-математик усул қўлланилади. Динамик молиявий диагностиканинг ушбу усулида турли хил сценарийларни ишлаб чиқарувчи стохастик симуляция механизми ҳисобланиб, асосий молиявий кўрсаткичлар асосидаги эмпириск таҳсимлаш функциясини яратишга имкон беради. Динамик молиявий диагностика ёрдамида хорижий суғурта компаниялари жорий молиявий ҳолатини таҳлил қиласди ва ўз фаолиятининг деярли барча асосий жиҳатлари бўйича самарали қарорлар қабул қиласди: суғурта хизматлари тариф сиёсатини ва ставкаларини ҳисоблаш, суғурта фаолияти турларининг оптималь комбинациясини аниқлаш, қайта суғурталашдан фойдаланиш ва самарали инвестиция стратегиясини аниқлаш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикасида миллий суғурта институтлари амалиётида уларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда динамик молиявий диагностиканинг тизимли парадигмасига асосланган таҳлилларни амалга ошириш амалиётда кенг жорий қилинмаган. Аксарият ҳолатларда миллий суғурта компаниялари молиявий натижалари бўйича умумий тартиbdаги кўрсаткичлар тизимининг ўртacha қийматини яқин истиқболга башорат қиласдилар ёки чекланган миқдордаги станционар вазиятлар учун сценарий таҳлилини ўтказадилар, бу эса активлар ва мажбуриятларнинг яқин ва ўрта истиқболга ноаниқлик омилини етарли даражада акс эттирамайди.

Демак, Ўзбекистон Республикаси миллий суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини баҳолашдаги амалдаги тизим ҳаётни суғурталаш хизматлари бўйича оптималь диагностик маълумотларни берсада, бошқа суғурта турлари бўйича эҳтимолли ҳолатларининг нисбатан мавҳумлиги натижасида уларни компаниялар умумий молиявий барқарорлигига таъсири нуқтаи назарда таҳлил кўрсаткичларини моделластиришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тадқиқотларга эҳтиёж бор. Бу мавжуд меъёрий -ҳуқуқий базани ҳисобга олган ҳолда, ушбу компаниялар активлари ва пассивларига хос бўлган ноаниқликни янада тўлиқ акс эттиришга имкон беради.

Суғурта компаниясининг тўлов қобилияти концепциясининг мазмунини ўрганаётганда, молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан ва суғуртага хос бўлган мажбуриятларнинг юзага келиш хусусиятларидан келиб чиқиш зарур. Суғурта фаолиятининг ўзига хослиги суғурта маҳсулотини амалга ошириш ва суғурта жараёнини ташкил этишнинг қўйидаги хусусиятларида намоён бўлади.

**Биринчидан**, суғурта маҳсулотини сотиш суғурта шартномасининг бошланиши ва суғурталовчи учун мажбуриятларнинг пайдо бўлишини билдиради. Суғурта маҳсулотини сотиб олаётганда, суғурта қилдирувчи суғурта шартномасининг

бошланишида суғурта мукофотини тўлаш орқали суғурталовчига аванс беради. Бошқача айтганда, тескари иқтисодий цикл суғуртага хосдир.

**Иккинчидан**, суғурта маҳсулотининг истеъмол қиймати, суғурта қопламасини таъминлашдан иборат бўлиб, суғурта ҳодисаси юз берганда рўй беради. Бу шуни англатадики, суғурталовчининг суғурта тўловларини тўлаш мажбуриятлари фақат суғурта ҳодисаси маълум бир суғурталовчи томонидан амалга оширилганда пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, суғурта ҳодисаси содир бўлишининг эҳтимоллик хусусияти суғурталовчининг мажбуриятларини бажариш имкониятини белгилайди.

**Учинчидан**, суғурта ставкасининг соф қисмидаги суғурта мукофоти (суғурта хизматларининг нархи) тахмин қилинган ўртacha йўқотишларни акс эттиради. Бу шуни англатадики, у суғурталовчининг ҳақиқий харажатларини қопламайди, балки суғурта шартномасидан келиб чиқадиган потенциал харажатларни молиялаштириш учун мўлжалланган. Суғурта жараёнини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган ва тескари иқтисодий цикл туфайли суғурта мукофотлари ҳисобига суғурта захиралари шаклланади.

Суғурталанувчилар олдидағи мажбуриятлар назарий жиҳатдан суғурта захиралари ҳисобидан бажарилиши керак, чунки суғурта мукофотини ҳисоблаш мажбуриятларнинг тенглиги тамойилига асосланади.

Демак умумий хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, суғурта фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда суғурта компаниялари учун бозорнинг бошқа иштирокчиларидан фарқли ўлароқ, мажбуриятларнинг миқдори, вақти ёки бошланиши олдиндан мавҳум ҳисобланади. Шунинг учун, суғурталовчи, бошқа бозор иштирокчиларидан фарқли ўлароқ, режасиз мажбуриятларни таъминлаш учун ҳар доим маълум миқдордаги ликвидли активларга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, рентабеллик кўрсаткичи ҳам йил давомида динамик тарзда тез ўзгарувчан бўлади. Бу шуни англатадики, исталган вақтда суғурта маҳсулотининг таннархига киритилган ҳақиқий рентабелликнинг режалаштирилган қийматидан ижобий ёки салбий бурилишлар бўлиши мумкин. Суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни бажариш учун салбий бурилишлар юз берганда, суғурта захиралари етарли бўлмаслиги мумкин, шунинг учун суғурталовчи уларни кафолатлаш учун ликвидли активлар билан таъминланган ўз капиталининг маълум заҳирасига эга бўлиши керак. Шундай қилиб, тўлов қобилияти суғурта компанияси молиявий ҳолатининг тавсифи сифатида сифатида қаралиши керак. Ушбу ҳолат суғурталаш фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган мажбуриятларни тўлаш қобилиятини акс эттиради.

Молиявий барқарорликнинг фундаментал симптоми ҳисобланган тўлов қобилияти нафақат мажбуриятларни тўлиқ бажариш учун етарли маблағ мавжудлигини, балки мажбуриятларни ўз вақтида бажариш учун бу пул маблағларини тезда нақд пулга айлантириш қобилиятини ҳам назарда тутади. Шу нуқтаи назардан, тўлов қобилиятига қабул қилинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини кафолатлаш учун ликвидли активларнинг етарлилигини аниқлаш сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини баҳолашдан тўғридан-тўғри манфаатдор бўлган субъектларнинг мақсадлари турличадир. Лекин уларнинг барчаси бир хил фикрда - баҳоланган суғурта ташкилотига нисбатан ўз ҳаракатларининг

стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш учун етарли маълумот олиш бош манфаатдорликнинг негизини ташкил қиласди. (жадвалга қаранг).

Суғурта компаниясининг тўлов қобилияти назорат қилувчи органлар томонидан баҳолашда ҳақиқий тўлов қобилияти чегарасини меъёрий кўрсактичларига солишириш орқали амалга оширилади. Минимал захираларни белгилашдан фарқли ўлароқ (кўп жиҳатдан уларнинг қиймати эмпирик тарзда қўшилади, кейин эса меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади). Энг қийин вазифа - бу минимал имкониятларни эмас, балки узоқ вақт давомида ишончли молиявий операцияларни ўтказиш учун кафолат захираларини топишдир.

### 1-жадвал

#### **Суғурта компаниялари тўлов қобилияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланувчилар тавсифи**

Фойдаланувчалар номи	Тўлов қобилияти тўғрисидаги ахборот олишдан мақсад
Инвесторлар, мулкдорлар	Инвестицияларнинг ишончлилиги, уларнинг хавфсизлиги ва ўсиши тўғрисида маълумот олиш; тўлов қобилияти қанчалик юқори бўлса, сармоядорлар ўз маблағларини суғурта компаниясига киритишига тайёр
Менежерлар	Мажбуриятларни таъминлаш даражаси тўғрисида маълумот олиш, янги инвесторларни, суғурта қилдирувчиларни жалб қилиш ва максимал фойда олиш мақсадида капитал тузилмасининг мақбуллиги ва пировардида фаолиятининг давом этиши, ўз позициясини сақлаб қолиш.
Персоналлар	Суғурта ташкилотининг ривожланиш истиқболлари, унинг кейинги фаолиятининг имкониятлари, иш жойини сақлаб қолиш, иш ҳақи ва уни ошириш имкониятларини аниқлаш учун унинг фаолияти самарадорлиги тўғрисида тасаввурни шакллантириш.
Суғурта мижозлари	Суғурта компанияларининг суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини аниқлаш; кафолатлар қанчалик юқори бўлса, мижозлар суғурта маҳсулоти учун тўлашга тайёр бўлади
Кредиторлар	Суғурта ташкилотининг ссудани ва унинг фоизларини тўлаш қобилиятини аниқлаш; тўловга лаёқатсизлик хавфи қанчалик паст бўлса, кредитор таклиф қилишга тайёр бўлган кредит нархи шунча паст бўлади

Демак, суғурта компанияси мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда (айнан шу мақсадда қонун ҳужжатларида кафолат жамғармасининг рухсат этилган минимал миқдори назарда тутилган тўлов қобилияти сиёсатининг мақсади компаниянинг доимий мавжудлигини таъминлашнинг зарурий шарт сифатида қабул қилинади.

Минимал талаблар, ноқулай тебранишлар кетма-кет бир неча рентабелсиз йилларга олиб келиши мумкин бўлган реал ва тез-тез учрайдиган имкониятларни ҳисобга олмайди. Кейин суғурта тўловларининг умумий харажатлари суғурта мукофотлари бўйича даромадлардан бир ҳисбот даври учун ҳисобланган кафолат фондидан сезиларли даражада кўп бўлиши мумкин.

Шунинг учун суғурта компаниялари ноқулай даврларни бартараф этиш учун етарли захирага эга бўлиши керак. Бироқ, ҳеч бир мамлакатнинг суғурта қонунчилигида захираларга қўйиладиган мажбурий талаблар мавжуд эмас: қонун

фақат техник чегараларни белгилайди, бу доирада суғурта компаниясига оқилона қарор берилган.

Суғурта компанияларида активлар ва пассивларни бошқариш фаолиятга оид операцион, инвестицион ва молиявий фаолият жараёнидаги молиявий барқарорликка таъсир этувчи эҳтимолли рискларни бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Умуман активларни бошқаришнинг асосий мақсади потенциал молиявий-инвестицион ресурсларни активларга самарали инвестициялаш воситасида хусусий ва жалб қилинган капитал самарадорлигини ошириш, жорий мажбуриятларни ўз вақтида тўлиқ бажариш орқали мувозанатли ривожланиш орқали компания бозор қийматини максималлаштириш ҳисобланади.

## 2-жадвал

### Суғурта компаниялари активлари ва унинг таркиби тўғрисидаги солиштирма маълумотлар[8]

Компа ния номи	Кўрсаткичлар	2017		2018		2019		2020	
		Млн. сўм	%	Млн. сўм	%	Млн, сўм	%	Млн, сўм	%
“Uzinsurance” АҚ Кафолат АҚ	Жами активлар,	190856,2	100	232736,4	100	283515,4	100	293926,8	100
	Узоқ муддатли активлар	78464,1	41,11	102971,3	44,24	114137,7	40,25	142081,9	48,33
	Жорий активлар	112392,1	58,89	129765,1	55,76	169378,7	59,75	151845,9	51,67
	Жами активлар	107928,2	100	117260	100	156006,9	100	188854,6	100
	Узоқ муддатли активлар	69355,3	64,26	87015,9	74,2	121177,4	77,64	142637,2	75,52
	Жорий активлар	38573,9	35,74	30245,1	26,8	34828,5	22,36	46217,4	24,48

2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ҳар иккала суғурта компаниялари активларининг таркибий тузилмасига асосланган диверсификация сиёсатида турлича ёндашувлар мавжуддир. Хусусан, “Uzinsurance” акциядорлик жамиятининг жами активлари 2017 йилда 190856,2 млн.сўмни ташкил этган ва шундан жорий активлари 112392,1 млн.сўмни ёки 58,9 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилга келиб 151845,9 млн. сўмни ташкил қилиб жами активлар таркибидаги жорий активларнинг улуши 51,67 % га пасайган. Демак, жами капитални узоқ муддатли ва жорий активлар нисбатлари бўйича тақсимотида узоқ муддатли активлардаги тўпланиш даражаси ортиб борган. Ушбу ҳолат суғурта хизматларини модернизациялаш мақсадидаги асосий ишлаб чиқариш фондларни янгилашга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатининг натижаси ҳисобланади.

Ушбу манзараға хос бўлган динамик тенденцияни Кафолат акциядорлик жамиятида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ушбу акциядорлик жамиятида “Uzinsurance” акциядорлик жамиятидан фарқли ўлароқ, жами капитални таҳлил қилинаётган даврда узоқ муддатли активлар таркибидаги концентрациялашув жараёни юқори бўлган. Хусусан, жами активлар 2017 йилда 107928,2 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 188854,6 млн. сўмга етган. Ушбу даврда жами активлар таркибидаги узоқ муддатли активларнинг улуши 64,26% ва 77,64% иапазонида тебранган. Умумий контекстда “Uzinsurance” акциядорлик жамияти каби узоқ муддатли активларнинг жами активлар таркибидаги ўсиш тенденцияси кузатилган.

Активлар таркибидаги иммобилизация қилинг активларнинг улушкини ортиши стратегик контекстда суғурта хизматларини сифат жиҳатдан модернизациялаш, янгилаш орқали бозордаги рақвобат мавқеини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнаса-да, жорий ҳолатда суғурта компаниялари мувозанатли ривожланиши ва улар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омил бўлиши мумкин.

Демак, том маънода айтилганда, активларнинг оптималь таркиби ва тузилмасини шакллантириш суғурта компанияларининг молиявий барқарор ривожланишини таъминлашнинг фундаментал асосини ташкил қиласди.

Суғурта компаниялари молиявий хизмат тизимиинининг асосий вазифаси активлар ва пассивларнинг шундай таркиби ва тузилишини яратиш ҳисобланадики, бир томондан, мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминласа, иккинчи томондан, самарали фаолият олиб бориш орқали рентабеллик кўрсаткичларини мақсамаллаштириш ва энг асосийси ретабелликнинг кўзда тутилган юқори миқдорини максимал эҳтимоллиқда шакллантириш ҳисобланади. Чунки, суғурта компанияларининг фаолияти ёки уларнининг бизнес модели кутиладиган таҳликалар ва уларни олдини олиш била боғлиқ актуар ҳисоб китобларга асосланади. Шунинг учун ҳам, актив ва пассивларни бошқариш қўйидаги масалаларни ҳал қилишга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ:

- суғурталовчи ўз зиммасига олиши мумкин бўлган хавфнинг масштабини компания молиявий салоҳияти билан солиштириш ва эҳтимоллик даражасини тўғри баҳолаш;

- суғурта захиралари шакллантириш сиёсати ва устав капиталининг хавфсизлиги ва ликвидлиги шароитида активлар таркибий тузилмаси кесимида оптималь инвестициялаш бўйича қарорлар қабул қилиш;


- ризк ва даромад дилеммасига мувофиқ суғурта маҳсулоти ва хизматлари қийматини оптималь даражасини шакллантиришга йўналтирилган таъриф сиёсатини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Суғурта компаниялари активларининг таркибий нисбатларига хос стационар ҳолат улар молиявий ҳолати тўғрисидаги мутлақ кўрсаткичларни ифодаласа, уларнинг динамик ўзгариш жараёнига қараб суғурта компанияларининг молиявий ъбарқарорлик кўрсаткичлари юзасидан консерватив ёки агрессив инвестицион сиёсат олиб бораётганлиги тўғрисида ҳам хulosса қилиш мумкин. Ушбу услубиёт суғурта компаниялари фаолиятида "Динамик молиявий таҳлил" учун марказий аҳамият касб этиши билан биргалиқда, ўрта истиқболдаги эҳтимолли прогнозлар учун ҳам шарт шароит юратади.

Агар биз таҳлил қилаётган суғурта компаниялари мисолида кўриб ўтадиган бўлсак, "Uzinsurance" акциядорлик жамиятида жами активлар йиллик динамик тенденциясида пасиш кузатилмоқда. Хусусан, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 127,1 фоиз, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 121,9 фоиз, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 121,8 фоизлик ўсиш кузатилган бўлса, 2020 йилга келиб 2019 йилга нисбатан активлардаги ўсиш тенденциясида пасиш кузатилган ва 103,7 фоизни ташкил қилмоқда.

Агар "Uzinsurance" акциядорлик жамиятида жамит активларидаги ўсиш тенденциясини кўрадиган бўлсак асосан тренд чизигини узоқ муддатли активлар

Йиллик ўсиш суръати ҳисобига тўғри келганлигини кўришимиз мумкин. Фақатгина 2019 йилда 2018 йилга нисбатан ўсиш суръатида пасайиш кузатилган.




1-расм. Суғурта компаниялари активлари йиллик ўсиш суръатининг таҳлили[8].

Кафолат акциядорлик жамиятида эса жами активларни йиллик юқори динамик ўсиш суръати кузатилаётганинги кўришимиз мумкин. Расмдан кўриш мумкинки, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 104,9 фоиз, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 108,6 фоизлик ўсиш кузатилган бўлса, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан юқори ўсиш яъни 133 фоизлик ўсиш, 2020 йилга келиб 2019 йилга нисбатан активлардаги ўсиш тенденцияси 121,7 Фоизни ташкил қилган. Агар қурадиган бўлсак, жами активлар таркибидаги узоқ муддатли активлар вазнининг юқори улуши натижасида жами активлар ва узоқ муддатли активлар динамик ўзгаришидаги бир хил тенденцияни кўриш мумкин.

Жорий активлардаги дастлабки 2 йилдаги ўсиш эмас пасайиш кузатилган бўлсада, охиргши 2 йилда юқори ўсиш кузатилмоқда.

Операцион молиявий менежментнининг обьекти ҳисобланган жорий активларни бошқариш самарадорлигини кўшриб ўтадиган бўлсак қуйидаги манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин.




2-расм. “Uzinsurance” AJKning жорий активлари таркиби[8] (млн.сўм)

“Uzinsurance” акциядорлик жамиятида жорий активлар таркибида дебиторлик қарзларининг номинал қиймати 2017 йилда 106874,3 млн сўмни ташкил қилган бўлса,

2010 йилгача ўсиш тенденцияси кузатилган ва 55600,2 млн. сўмни ташкил қилган. 2018-20 йилларда қисқа муддатли инвестицияларнинг номинал қийматида ўсиш кузатилиб, 2020 йилда 88270 млн сўмга етган.

Умуман олганда, суғурта компаниясининг жорий активлари ҳажмининг ўсиши компания томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларининг кенгайишига ва молиявий ресурсларни қисқа муддатли инвестициялар сифатида қўйилма қилиш натижасида активлар даромадлилик кўрсаткичларини ошириш учун молиявий замин ярамоқда. Суғурта компаниясининг қисқа муддатли инвестициялари асосан тижорат банкларига суғурта заҳираларини депозит ҳисобида жойлаштириш ва қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки ҳисобига тўғри келган.



**3-расм. “Кафолат” АК жорий активлари таркиби ва динамикаси[8] (млн.сўм)**

“Кафолат” акциядорлик жамиятининг жорий активлари таркибида эса дебиторлик қарзларининг улуши кески ортиб бориб 2020 йилда 38691,5 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Ликвидиликнинг кафолати ҳисобланган пул маблағларининг ўсиш суръати ва 2020 йилда 3824,4 млн. сўмни ташкил қилаётганлиги, бир томондан молиявий барқарорлик учун муҳим молиявий омил ҳисобланса, иккинчи томондан ортиқча ликвидлилик том маънода айтганда “Йўқотилган имконият” ҳам ҳисобланади.

Ҳар иккала акциядорлик жамиятлари жорий активларининг таркибий таҳлилларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ишлаб чиқариш ва муомал фонdlари нисбатларини таъминлаш бўйича жорий активларни операцион бошқарув сиёсатида турлича ёндашувлар мавжудлигини ҳам кўриш мумкин.

“UZINSURANCE” АЖнинг жорий активлари таркибида 2017 йилда 95,09 фоизи дебиторлик қарзлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2020 йилга келиб жорий активлар таркибий тузилиши ўзгарган ҳамда дебиторлик қарзлари 36,6 фоизни, қисқа муддатли инвестициялар 58,13 фоизни ташкил этган. Суғурта компаниясининг дебиторлик қарзлари салмоғи қисқариши компанияда муомала фондларини бошқариш сиёсати натижаси ҳисобланади.

“Кафолат” АКнинг жорий активлари таркибини таҳлил қиласидан бўлсак, 2017 йилда жорий активларнинг 75,99 фоизи дебиторлик қарзлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2020 йилга келиб жорий активлар таркибий тузилиши ўзгарган ҳамда дебиторлик қарзлари 83,71 фоизни ташкил этган.

**Суғурта компаниялари жорий активлари ва үнинг таркибий улуши тұғрисидаги солиширма маълумотлар[8,9]**

Компания номи	Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020
АК “Uzinsurance”	Жами жорий активлар	100	100	100	100
	Товар моддий захиралар	1,61	1,89	1,92	2,38
	Келгуси давр ва кечиктирилган харажатлар	0,19	0,17	1,23	0,9
	Дебиторлик қарзлари	95,09	41,88	33,58	36,6
	Пул маблағлари	2,01	4,7	5,15	2,9
	Қисқа муддатли инвестициялар	1,1	51,36	58,21	58,13
	Бошқа активлар	0	0	0	0
АК Кафолат АК	Жами жорий активлар	100	100	100	100
	Товар моддий захиралар	1,65	3,32	3,6	2,33
	Келгуси давр ва кечиктирилган харажатлар	1,12	8,2	1,23	0,5
	Дебиторлик қарзлари	75,99	64,17	83,06	83,71
	Пул маблағлари	3,73	4,99	3,69	8,27
	Қисқа муддатли инвестициялар	16,98	18,84	8,03	4,71
	Бошқа активлар	0,5	0,63	0,81	0,9

Келгуси давр ва кечиктирилган харажатлар 2017-2020 йиллар кесимида пасайиш тенеденциясига эга бўлган. Пул маблағлари бўйича 2017-2020 йилда ўсиш динамикаси мавжуд.

Активлар ва пассивларни бошқаришни суғурта компаниялари аввало ўз капитали қийматини максималлаштириш мақсадида амалга оширади. Капитал қийматининг сақланиши ва ўсиши самарали суғурта ва оптималь инвестиция фаолияти орқали таъминланади. Суғурта ташкилотлари учун активлар ва пассивларни бошқариш ўсулини қўллашнинг долзарблиги суғурта маҳсулотини сотиш ва ҳисоблаш ўсулидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Бухгалтерия баланси ва фойда ва зарар тұғрисида ҳисбот асосида суғурталовчининг ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тұлық бажариш қобилиятини ишончли баҳолаш мумкин эмас.

Баланс қиймати бўйича активнинг алоҳида элементларини баҳолашда бозор хатарлари, шунингдек, қарздорларнинг молиявий салоҳияти ва тўлов қобилияти ҳисобга олинмайди. Бундан ташқари, баланс активлари моддаларини аниқлаш учун ретроспектив баҳолар асос бўлади, бу эса суғурта захираларини баҳолаш тамойилларига зид келишига олиб келади. Шундай қилиб, суғурталовчи учун асосий масала суғурта мажбуриятлари ва уларни қоплаш учун қабул қилинган активларни баҳолаш масаласидир.

Айниқса, бу муаммо ҳаётни суғурталашни амалга оширадиган ёки узоқ муддатли суғурта шартномалари билан муҳим суғурта портфелига эга бўлган суғурталовчилар учун долзарбдири. Масалан, суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олиб, суғурта шартномаси тузилган пайтдаги бозор шароитларига қараб, хизматлар нархини белгилайди ва инвестиция йўналишларини танлайди. Валюта курсининг фойдасиз ўзгариши ошган тақдирда, мажбуриятларни бажариш учун суғурта захираларининг етишмаслиги эҳтимоли ошса, инвестиция

даромади мажбуриятлар учун қүшимча кафолат вазифасини ўташи керак (захиралар қўйиладиган активларнинг кўпайиши), акс ҳолда, агар даромад етарли бўлмаса, суғурталовчи зарар кўради.

Мажбуриятларни бажариш учун маблаг етишмаслигининг яна бир ҳолати суғурта захиралари инвестиция қилинган активларнинг қадрсизланиши бўлиши мумкин.

Молиявий инвестициялар нархининг доимий пасайиши бир вақтнинг ўзида қўйидаги шартларнинг мавжудлиги билан тавсифланади:

- ҳисобот санаси ва олдинги санага активларнинг баланс қиймати уларнинг тахминий қийматидан анча юқори;
- ҳисобот йилида молиявий инвестицияларнинг тахминий қиймати фақат унинг камайиши йўналишида сезиларли даражада ўзгарди;
- ҳисобот санасига келгусида молиявий инвестицияларнинг тахминий қийматини сезиларли даражада ошириш мумкинлиги тўғрисида ҳеч қандай далил йўқ.

Агар қадрсизланиш тести молиявий инвестициялар қийматининг доимий равишда пасайишини тасдиқласа, ташкилот молиявий инвестицияларнинг баланс қиймати ва бундай молиявий инвестицияларнинг тахминий қиймати ўртасидаги фарқ миқдорида амортизация заҳирасини яратади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида (IAS) бундай мақсадлар учун IAS 36 "Активларнинг қадрсизланиши" стандарти мавжуд. Қийматларнинг қадрсизланишини баҳолаш оқилона тамойилга асосланади, бу балансдаги активларни корхона ушбу активлардан олиши мумкин бўлган иқтисодий фойдадан ошмайдиган нархда кўрсатиш талабида ифодаланади. Кўриниб турибдики, суғурталовчининг активни мақсадли сотиш ёки ундан фойдаланиш тўғрисидаги қарори активнинг иқтисодий фойдасини баҳолашга боғлиқ. Стандарт активларнинг қайтарилиши мумкин бўлган миқдоригача ҳисобга олиннишига рухсат берувчи тартибларни ўрнатади. Активнинг қайтарилиши мумкин бўлган суммаси, активнингadolatli қиймати (сотиш харажатларини ҳисобга олмаганда) ва ундан фойдаланишдаги қийматининг энг каттаси сифатида аниқланади.

Агар ишончли баҳо бўлмаса, активнинг қайтарилиши мумкин бўлган қиймати сифатидаadolatli қийматни аниқлаш учун унинг ишлатилиш қийматини баҳолашдан фойдаланилади. Активнинг ишлатилиш қийматини аниқлаш, келажакда пул маблағларининг келиб тушиши ва чиқшини тахмин қилиш ва келажакда пул оқимларига тегишли дисконт ставкасини қўллаш асосида амалга оширилади.

Молия вазирлигининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган "Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида"ги Низом[10] талабаларида суғурта компанияларининг активлар қисмига қўйилган талаблардан келиб чиқсан ҳолда суғурта компанияларида суғурта захиралари маблағлари қийматига эквивалент бўлган суммадаги активларни ажратиши шарт. Ажратилган активлар, уларни ажратиш вақтида суғурталовчининг ҳисоб ва ҳисобот регистрларида аниқ белгиланган бўлиши шарт.

### **Хулоса ва таклифлар**

Суғурта компанияларида ажратилган активларнинг умумий қиймати суғурта захиралари маблағларининг жами миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. Ажратилган активлар қиймати сифатида уларнинг баланс қиймати тушунилади.

Ажратилган активлар диверсификация, қайтарилиш, фойдалилик ва ликвидлик талабларига жавоб бериши лозим.

Ажратилган активлар маблағлари суғурталовчи томонидан фақат тегишли суғурта захираларининг шакллантириш мақсадига мувофиқ ҳолда ишлатилиши мумкин. Ажратилган активлар гаров предмети ёки кредиторга кафилнинг мажбуриятлари бўйича пул маблағларини тўлаш манбай сифатида хизмат қила олмайди.

Суғурта захиралари хорижий валютада белгиланган ҳолатларда, активлар суғурта захиралари белгиланган валютага эквивалент валютада ёки эркин конвертация қилинадиган валютада ажратилади.

Ажратилган активлар қуйидаги активлардан иборат бўлиши мумкин эмас:

суғурталовчининг таъсисчилари, акциядорлари ва ходимларига берилган қарзлар, шунингдек улар бўйича жамғарилган фоизлар;

дебитор — боғлиқ шахсларнинг қарзлари;

суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган тўлов санасидан уч ойдан кўп муддат мобайнида суғурта қилдирувчилар (қайта суғурта қилдирувчилар) томонидан тўланмаган суғурта мукофотлари;

солиқ ва йиғимлар бўйича дебиторлик қарзлар;

кафолат бўйича сўммалар;

мажбурият предмети бўлган активлар (қабул қилинган мажбуриятлар доирасида) амалга оширилиш кўрсатиб ўтилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412 сонли қарори

2. Панюков А. В., Тетин И. А. Метод динамического анализа платежеспособности страховой компании // Вестник Пермского университета. Перм: 2010. 2(5).- с.51-61

3. 1 Modigliani F., Miller M. H. The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment // Amer. Econ. Rev. 1958. June. P. 261—297; см. также: Modigliani F" Miller M. H. Taxes and the Cost of Capital: A Correction // Ibid. 1963. June. P. 433—443.

4. Harry M. Markowitz – Nobel Prize Lecture: Foundations of Portfolio Theory, December 7, 1990.

5. Gans, Joshua S.; Shepherd, George B. (1994). "How are the mighty fallen: Rejected classic articles by leading economists". Journal of Economic Perspectives. 8 (1): 165–79. doi:10.1257/jep.8.1.165.

6. Ross, Stephen. The arbitrage theory of capital asset pricing (англ.) // Journal of Economic Theory (англ.)русск. : journal. — 1976. — Vol. 13, no. 3. — P. 341—360. — doi:10.1016/0022-0531(76)90046

7. Black, Fischer; Myron Scholes. The Pricing of Options and Corporate Liabilities (англ.) // Journal of Political Economy (англ.)русск. : journal. — 1973. — Vol. 81, no. 3. — P. 637—654. — doi:10.1086/260062.

8. <https://www.agros.uz/>

9. <http://www.kafolat.uz/>

10. Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўtkazildi)